10-598

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

1998 йил 30 апрель пайшанба

Сотувда эркин нархда
№ 87 (1868)

# БУГУН ТОШКЕНТДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ЎН БИРИНЧИ СЕССИЯСИ ОЧИЛАДИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИДА

29 апрель куни Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг Раиси, вилоятлар ҳокимлари, парламент қўмиталарининг раҳбарлари, Олий Мажлис Котибиятининг масъул ходимлари иштирокида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг кенгайтирилган мажлиси бўлди. Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. Халилов олиб борди.

Мажлисда Олий Мажлиснинг ўн биринчи сессиясини ўтказишга тайёргарлик кўриш юзасидан қилинган ишларга якун ясалди. Депутатлар ишчи гуруҳининг раҳбари, Олий Мажлис Раисининг ўринбосари Б. Бугровнинг ахбороти эшитилди. У қонунларнинг лойиҳалари устида олиб борилган ишлар, ташкилий-техник тадбирлар, барча хизматларнинг сессияга тайёрлиги, кун тартибига киритилаётган қўшимча масалалар, қонун лойиҳаларининг асосий қоидаларини тушунтириш юзасидан депутатларнинг сайловчилар билан ўтказилган учрашувлари якунлари тўғрисида сўзлаб берди. Шу нарса таъкидлаб ўтилдики, сайловчилар сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳимоя қилинишини таъминлаш юзасидан республикамизда олиб борилаётган ишни қўллаб-қувватламоқдалар, қонун лойиҳаларини маъқуллаб, улар давр талабларига мослигини, аҳоли кенг қатламларининг нуқтаи назарини акс эттиришини ҳамда шак-шубҳасиз, давлатимиз ҳуқуқий негизини бойитиш ва ривожлантиришга хизмат қилишини таъкидламоқдалар. Қўмиталарнинг раҳбарлари барча ҳужжатлар парламент томонидан муҳокама қилиш учун тайёрлигини маълум қилдилар.

Кенгаш биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўн биринчи сессиясининг партия фракциялари ва ҳокимият вакиллик органларидан сайланган депутатлар блоки билан келишилган кун тартиби лойиҳасини депутатлар муҳокамасига киритиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Кенгашда, шунингдек, бошқа қатор масалалар кўриб чиқилди ва улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.



СУРАТДА: депутатлар рўйхатдан ўтишмоқда.

## ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИ

**29 апрель куни Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йилнинг биринчи чорагида иқтисодий ислоҳотлар устувор йўналишларининг амалга оширилиши ва Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантирилиши тўғрисидаги масалага бағишланган мажлиси бўлди.**

Унда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, вазирликлар, давлат қўмиталари, концернлар, корпорациялар, уюшмалар, идора ва ташкилотларнинг раҳбарлари иштирок этди.

Мажлисни республика Бош вазири Ўткир Султонов бошқарди. У жорий йилнинг биринчи чорагида мамлакатимиз иқтисодиётида сезиларли ютуқларга эришилганини таъкидлади. Саноат, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришда бирмунча ўсишга эришилди. Ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий устувор йўналишларини ҳамда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича чора-тадбирлар дастурини бажариш йўлида амалга оширилган ишлар макроиқтисодий барқарорликка ва иқтисодий ўсишга ёрдам берди.

(Давоми 3-бетда).

## ДЕПУТАТЛАР БЛОКИДА

Кеча ҳокимият вакиллик органларидан сайланган депутатлар блокининг мажлиси бўлиб ўтди. Уни блок раҳбари, Олий Мажлис депутати Алишер Мардиев олиб борди.

Мажлисда блок аъзолари Олий Мажлиснинг ўн биринчи сессияси кун тартибига киритилган масалаларни номма-ном муҳокама қилиб, маъқулладилар.

Мажлис иштирокчилари кўрилажак масалаларнинг мамлакатимиз тараққиётида тутадиган ўрни ва аҳамияти ҳақида ҳам алоҳида тўхталдилар.

## ПАРТИЯ ФРАКЦИЯЛАРИДА

Кеча Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Олий Мажлисдаги фракцияси аъзоларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни фракция раиси, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов олиб борди.

Унда биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси XI сессияси муҳокамасига қўйилаётган бир қатор қонун лойиҳалари ҳақида атрофлича фикр юритилди. Фракция аъзолари сессияда муҳокама қилиш учун тақдим этилаётган масалалар мамлакатимизда демократик жараёнларни ва ислоҳотларни чуқурлаштиришга, халқ фаровонлигини янада юксалтиришга қаратилганини қайд этиб, уларни маъқулладилар.

Мажлисда Олий Мажлис Раисининг ўринбосари Б. Шодиева иштирок этди.

* * *

Шу куни «Адолат» Социал-демократик партиясининг Олий Мажлисдаги фракцияси йиғилиши бўлиб ўтди. Уни партия Марказий Кенгашининг биринчи котиби Т. Даминов олиб борди.

Мажлисда фракция аъзолари сессия муҳокамасига киритиш таклиф этилаётган масалалар юзасидан сўзга чиқиб, деҳқончилик маданиятини юксалтириш, иқтисодиёт соҳасидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш, қишлоқ хўжалигининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш ҳамда эл-юрт тақдирига дахлдор бўлган бошқа бир қатор қонун лойиҳаларини атрофлича муҳокама қилиб, маъқулладилар.

Мажлисда Олий Мажлис Раисининг ўринбосари А. Қосимов иштирок этди.

* * *

«Ватан тараққиёти» партиясининг республика парламентидаги фракцияси аъзоларининг мажлисини фракция раиси Ахтам Турсунов олиб борди. У депутатларни партия ҳаётидаги янгиликлар билан таништиргач, Олий Мажлис XI сессияси муҳокамасига киритилган қонун лойиҳаларининг аҳамияти ҳақида тўхталди. Фракция аъзолари сессия кун тартибидаги масалаларни маъқулладилар.

Мажлисда партия фракциясига кирувчи Олий Мажлис депутатларининг ўз фаолияти ҳақидаги ахборотлари эшитилди.

## ҲАР КЎНГИЛДА ҚУЁШ БОР

### Мухбирларимиз хабар қилади

Биз янгиланишлар, ўзгаришлар даврида яшаяпмиз. Тинчлик-хотиржамлик, яратувчилик меҳнати ҳар биримизга йўлдош. Мустақиллик қуёши дилимизни мунаввар этиб турибди. Кун сайин ўзлигимизни англаяпмиз.

Мамлакатимиздаги ўсиш, ўзгаришлар ҳаётимиз мазмунига айланиб бормоқда. Кунларимиз тарихий воқеаларга бой. Яна бир муҳим воқеа арафасида турибмиз. Бугун Олий Мажлиснинг навбатдаги сессияси ўз ишини бошлайди.

Олий Мажлис янги биносининг салобати, кўркамлиги дилга завқ бағишлайди. Бугун мамлакатимиз салоҳиятини кўз-кўз қилаётган ушбу бинода юртимиз тақдирига, халқимиз манфаатига дахлдор, ҳаяжонли дамлар кечаяпти.

Олий Мажлис XI сессияси кун тартибига бир қатор муҳим масалалар киритилган. Қишлоқ хўжалигида бозор ислоҳотларини кескин чуқурлаштиришга қаратилган бир нечта қонун лойиҳалари ана шулар жумласидандир. Бу бежиз эмас. Зеро, қишлоқ хўжалиги соҳасини тараққий эттириш эҳтиёжи шуни тақозо этмоқда. Сессия муҳокамасига киритилган аксарият масалалар барча соҳаларда ислоҳотларни амалга оширишнинг ҳуқуқий асосини яратишга қаратилгандир.

Олий Мажлис биносининг депутатларни рўйхатга олиш залидамиз. Ноибларнинг кети узилмайди. Биз рўйхатдан ўтаётган депутатларнинг айримлари билан мулоқотда бўлдик.

**Ваҳобжон ХАЛИЛОВ, 157-Ангор сайлов округидан депутат:**

— Олий Мажлиснинг навбатдаги сессияси кун тартибига қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштириш, уни ривожлантиришга қаратилган қонунлар лойиҳалари мажмуининг киритилгани ушбу сессиянинг аҳамияти беқиёс эканлигини кўрсатади. Депутатлар эътиборига ҳавола этиладиган қонун лойиҳалари қишлоқда ҳақиқий мулкдорларни шакллантириш йўли билан ерга, мулкка бўлган муносабатни тубдан ўзгартиришга хизмат қиладиган ва ҳуқуқий асос яратадиган ҳужжатлардир.

Ҳеч кимга сир эмас, жамиятимиз тараққиёти қишлоқ хўжалигида ислоҳотлар қандай амалга ошаётганлигига боғлиқ. Шунинг учун ҳам қишлоқда хўжалик юритиш механизмини янгилаш, унинг барча жабҳаларига ислоҳотлар чуқур кириб боришини таъминлаш долзарб вазифа бўлиб турибди. Сессия кун тартибидаги масалалар айнан ана шу мақсадга қаратилган.

Яна бир нарсани таъкидлашни истардим, бугун деҳқонларимиз янгича яшашга, меҳнат қилишга одатланаяпти. Уларнинг қишлоқ хўжалигига доир қонунлар лойиҳалари муҳокамасида фаол қатнашганликларини, ҳуқуқий маданияти ортиб бораётганлигини назарда тутаяпман. Бу жуда яхши. Зотан, ушбу қонун лойиҳаларида қишлоқ аҳлининг орзу-умидлари, ҳуқуқий имкониятлари мужассамлашган. Бошқа масалалар ҳам табиийки, бугунги давр талабидан келиб чиқиб, сессия муҳокамасига қўйилган. Ўйлайманки, депутатларимиз бу гал ҳам барча масалаларга масъулият билан ёндашадилар.



**Ўткир РАСУЛЕВ, 24-сайлов округидан депутат:**

— Сессия кун тартибига киритилган масалаларнинг ҳаммаси керакли, ҳаммаси муҳим. Уларни мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларни амалга оширишда туб бурилиш ясайдиган ҳужжатлар, деб баҳолаш мумкин. Айниқса, сессияда муҳокама этиладиган «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги, «Чет эллик инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатлари ва чоралари тўғрисида»ги қонун лойиҳалари ҳам ўз аҳамияти жиҳатидан эътиборга лойиқ. Чунки мамлакатимиз куч-қудратини ошириш, иқтисодиётда янги имкониятлар очиш хорижий сармояларни кўпроқ жалб қилишга боғлиқ. Бунинг учун эса ҳуқуқий асос бўлиши лозим. Устига устак, чет эллик сармоядорлар ҳам ҳамкорлик қилишлари учун қонуний кафолат талаб этишади. Мазкур қонун лойиҳалари бу эҳтиёжни қондиради, деб ўйлайман.



Ушбу қонун лойиҳалари қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Зеро, озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлашга хорижий сармояларни кенг жалб этиш, қишлоқ хўжалиги соҳасида қўшма корхоналар ташкил қилиш, улар орқали жаҳон бозорига чиқиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири бўлиб турибди.

Сессияда кўриладиган масалалар, қабул қилинажак қонунлар мамлакатимиз келажагига хизмат қилиши, шубҳасиз.

**Акбархўжа РАҲИМОВ, 91-Тошбулоқ сайлов округидан депутат:**

— Дарҳақиқат, навбатдаги сессия кун тартибидаги масалалар муҳимлиги билан ажралиб туради.

Президентимизнинг ташаббуси билан Оила йили, деб эълон қилинган 1998 йилда сессия кун тартибидан жой олган Оила кодекси масаласи ҳам катта аҳамият касб этиши табиий ҳол. Чунки жамиятимизнинг руҳан соғлом бўлиши, оилада маънавий етук, жисмонан баркамол инсонларни тарбиялашга боғлиқ. Ушбу кодекс лойиҳаси оила билан боғлиқ барча қадрият ва анъаналаримизни қамраб олганлиги билан ҳам диққатга сазовордир.

Шуни таъкидлашни истардимки, сессия кун тартибидаги масалалар мавжуд муаммоларга ҳуқуқий ечим топиб беради. «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг сессия муҳокамасига киритилганлиги фикримизнинг далилидир. Биз сайловчилар билан учрашиб, ушбу қонун лойиҳасининг моҳияти ва аҳамияти ҳақида гапириб берганимизда, улар лойиҳадаги қоидаларни тўла маъқуллашди.



**Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири. Тўлқин КАРИМОВ олган суратлар.**

## Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўн биринчи сессиясининг очилиши тўғрисида

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн биринчи сессияси 30 апрель куни соат 10.00 да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилади.

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари диққатига!

Депутатлар 30 апрель куни соат 8.00 дан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида рўйхатга олинади.

## МДҲ: НАВБАТДАГИ УЧРАШУВ

**29 апрель, Москва.** *(ЎзА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади).* Кеча Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатлар давлат раҳбарлари Кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этиш учун Москвага келди. Москва аэропортида давлатимиз раҳбарини Россия ҳукумати раисининг ўринбосари Рамазон Абдулатипов, Ўзбекистоннинг Россиядаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Шомансур Шохалилов ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

Бугун эрталаб Ислом Каримов Россия ташқи ишлар вазири Евгений Примаковни қабул қилди. Мулоқот чоғида томонларни қизиқтирган масалалар, хусусан, МДҲ доирасидаги ҳамкорлик билан боғлиқ масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

Кремлда МДҲга аъзо мамлакатлар давлат раҳбарлари Кенгашининг ёпиқ мажлиси бўлди. Сўнг саммит қатнашчилари ва уларга ҳамроҳлик қилаётган расмий делегациялар вакиллари иштирокида ялпи мажлис бўлиб ўтди. Унда МДҲ доирасида имзоланган ҳужжатларнинг самарадорлигини ошириш, Ҳамдўстлик фаолиятини барча аъзо давлатлар манфаати нуқтаи назаридан яхшилаш, хавфсизлик ва барқарорлик, шунингдек, иқтисодий интеграция масалалари муҳокама қилинди.

Учрашув якунида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ўткир Султоновни МДҲ мамлакатлари ҳукумат раҳбарлари Кенгашининг раиси этиб тайинлашга келишиб олинди. Россия Федерацияси хавфсизлик кенгаши котибининг собиқ ўринбосари Борис Березовский МДҲ ижроия кенгашининг раиси этиб тайинланди.

Шу билан МДҲга аъзо мамлакатлар давлат раҳбарларининг навбатдаги саммити ниҳоясига етди.

**(ЎзА)**

СИЁСИЙ ШАРҲЛОВЧИ НИГОҲИ

## ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИ — ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДИР

### ёки МДҲнинг бугунги ҳаётига бир назар

Кеча Москвада МДҲ давлат бошлиқларининг навбатдаги учрашуви бўлиб ўтди. Учрашувда аъзо мамлакатлар раҳбарлари Ҳамдўстликни бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда ислоҳ қилиш масаласини муҳокама қилдилар. Маълумки, Кишиневдаги саммитдан кейин анча вақт ўтди. Бу даврда Ҳамдўстлик доирасида ҳал қилиниши керак бўлган бир қатор муаммолар пайдо бўлган эди. Ўтган учрашувлар натижаларидан хулоса чиқарилган ҳолда ташкилотчилар навбатдаги саммитда муҳокама қилиш учун бир неча аниқ масалаларни киритдилар. Кузатувчиларнинг фикрларига қараганда, амалда уларнинг барчаси МДҲни тубдан ислоҳ қилишга қаратилгандир.

Йиғилишни очган Россия Президенти Борис Ельциннинг асосий маърузаси ҳам шу мавзуга тегишли бўлди. Россия давлат бошлиғи ўз маърузаси давомида Кишинев саммитидан кейин МДҲ барча давлатлари раҳбарларига жўнатган мурожаатномасига жавобан олган хулосаларга асосланиб Ҳамдўстликнинг бугунги ва эртанги истиқболи ҳақида фикр юритди.

Учрашувда давлат бошлиқлари ўзаро ҳамкорлик алоқалари ҳаётий зарурат эканлигини таъкидладилар. Саммитда ташкилий масалалар ҳам кўриб чиқилди. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов таклифига кўра Россия Президенти Борис Ельцин МДҲ Давлат бошлиқлари Кенгашининг Раиси лавозимида 2000 йилгача қоладиган бўлди. МДҲ мамлакатлари ҳукумат раҳбарлари Кенгашининг Раиси лавозимига Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ўткир Султонов, Ҳамдўстлик Ижроия Котибияти раҳбарлигига эса Борис Березовский номзоди маъқул, деб топилди.

Саммитда МДҲ доирасида шериклик ва тенг ҳамкорликни бундан кейин ҳам ривожлантиришга келишиб олинди. Айни чоқда иқтисодий соҳадаги интеграцияни янада тараққий эттириш масаласи давлат бошлиқлари ўзаро мулоқотларининг диққат-марказида бўлди. Мазкур саммитда ҳарбий-техник ҳамкорлик соҳасидаги масалалар ҳам муҳокама қилинди.

Шу ўринда биз МДҲ доирасидаги иқтисодий ҳамкорлик масалаларига алоҳида тўхталмоқчи эдик. Мисол учун, Россиянинг МДҲ давлатлари билан савдо обороти ҳажми борйўғи бир фоизни, Ҳамдўстлик доирасидаги ўзаро савдо ҳажми эса уч-тўрт фоизни ташкил қилади, холос. Эсингизда бўлса, мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов ўтган Кишинев саммитида ҳам, давлат бошлиқларининг бошқа учрашувларида ҳам асосий эътиборни биринчи навбатда иқтисодий ҳамкорлик масалаларига қаратишни таклиф қилиб келмоқда. Президентимизнинг бу таклифини кўпчилик давлат раҳбарлари қўллаб, МДҲ доирасидаги ҳамкорлик ўзаро тенглик асосида бўлгандагина ривож топиши мумкинлигини қайд этмоқдалар. Лекин кейинги пайтда айрим сиёсий арбоблар ҳамон МДҲга сиёсий тус беришга ҳаракат қилаётгани, айни чоқда Ҳамдўстлик таркибида турли хил иттифоқлар тузиш, «ягона иқтисодий макон» барпо этиш билан сохта обрў орттиришга интилаётганини ҳам айтиб ўтиш жоиздир.

Мисол учун, эркин савдо зоналари ташкил этиш тўғрисидаги битимни олсак, унинг имзоланганлигига тўрт йилдан зиёд вақт ўтди. Аммо бу битимни амалга оширмасдан туриб, шимолдаги республикалардан бирининг раҳбари «ягона иқтисодий макон» тўғрисидаги худди шу кўринишдаги «ташаббус» билан ўртага чиқмоқда. Амалга ошмайдиган «ташаббуслар» бекорга қоғоз тўлдириш учун керакми? Ўтган етти йил ичида МДҲ доирасида 1300дан зиёд қарор ва ҳужжатлар қабул қилингани ҳолда амалда уларнинг бир нечтаси ишлаяпти, холос. Қолганлари-чи? Бинобарин, у ёки бу таклифни ўртага ташлашдан олдин уни етти ўлчаб, бир кесмоқ зарур эмасми? Ёки нима бўлса ҳам «интегратор»лик улоғини олиб қолиш афзалми?

Сирасини айтганда, МДҲ ҳар томонлама иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида ташкил этилган бўлиб, унинг бош тамойили мамлакатлар ўртасидаги икки томонлама, шунингдек, кўп томонлама иқтисодий алоқаларни тараққий эттиришга қаратилгандир.

Иқтисодий ҳамкорлик эса, йўлбошчимиз таъкидлаганларидек, ўзаро ҳурмат ва тенг ҳуқуқли муносабатларга асослангандагина натижа бериши аниқ. Чамаси, эндиликда бу оддий ҳақиқатни Россия сиёсатдонлари ҳам тушуниб етмоқда. Шу боис улар ҳам «Ҳамдўстлик асосида иқтисодий манфаатлар ётиши керак» деган сўзни бугунги кунда бот-бот ишлатмоқдалар. Москвадаги кечаги саммит якунлари ҳам буни яна бир бор тасдиқлади.

**Аслиддин БОЛИЕВ.**



# ҚОНУНЛАР — ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

## ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ

**Уни шаклланишининг асосий омилларидан бири фуқароларнинг қонунларни тайёрлаш ва амалга оширишда онгли муносабатда бўлишидадир**

Рости, бунчалик бўлади, деб ўйламагандим. Олий Мажлиснинг X сессиясида биринчи ўқишда қабул қилиниб, умумхалқ муҳокамасига тақдим қилинган ва XI сессия кун тартибига критиш таклиф этилаётган Оила кодекси, Ер кодекси, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, Фермер хўжалиги, Деҳқон хўжалиги ва Қишлоқ хўжалиги ширкати тўғрисидаги қонун лойиҳалари юзасидан таҳририятимизнинг Элликқалъа, Бахмал, Боёвут ва Учкўприк туманлари меҳнаткашлари билан мулоқот — учрашувида билдирилган юзлаб мулоҳазалар, таҳририятимизга мактублар воситасида келган минглаб таклифларни ўқиб, эшитиб, фуқаролар шуури, саъй-ҳаракатида анчайин фаоллик ҳамда юксалиш юз бераётганлигининг шоҳиди бўлдим. Фуқароларни энг муҳими, аста-секинлик билан бўлса-да, бефарқлик ва унинг оқибатида пайдо бўладиган лоқайдлик туйғуси тарк этаётгандай. Унинг ўрнини дахлдорлик ва эгалик ҳисси эгаллаётгандай. Андак фидоийлик ҳам бор. Дарвоқе, ўтиш даври ўзлигини англаган, миллий ғурурни ҳар қандай манфаатлардан устун қўя оладиган фуқаролардан фидоийликни ҳам талаб қилади. Ватан ва миллат қадимда ҳам, ҳозирда ҳам ана шу фидоийлар туфайли тез қад ростлаган ва юксалган.

Фуқаролик жамияти қуриш, одатда, халқнинг «қарс икки қўлдан...» мақоли — тамойилига асосланади. Бунинг маъниси шундаки, давлат бошқарувни фуқароларга бериб боргани сайин фуқаролар ҳам ўз навбатида ана шу жараёнга тайёр бўлиб боришлари керак. Бу жараён одатда маълум бир вақт, даврни талаб қилади. Айниқса, тоталитар жамиятдан ҳуқуқий демократик жамиятга ўтаётган мамлакатда бу жараён янада аввалига таҳликалироқ, кейинчалик эса мураккаброқ кечади.

Ҳамма гап ана шу босқичнинг талафотсиз, тинч йўл билан ўтишда. Мамлакатимизда босқичма-босқич ўтиш тамойилининг танланганлигидан кўзда тутилган асосий мақсад ҳам ана шундан иборат.

Фуқаролик жамиятида, фуқаро, энг аввало, уни бошқариш билими ва малакасига эга бўлган бўлиши керак. Мамлакатимизда айни пайтда унга томон бўлган ҳаракатнинг икки тадрижий йўналишини кузатиш мумкин. Биринчиси, иқтисодий ислоҳотлар самараси билан чамбарчас боғлиқ бўлган йўналиш бўлиб, у фуқароларда аввал мулк, кейин жамиятга нисбатан дахлдорлик ҳамда эгалик муносабатини шакллантиради. Бунда фуқаро жамиятдан ўзининг имконияти ва иқтидорига қараб ўрин ва мавқе эгаллашга ҳаракат қилади. Унда манфаатдорлик ва мулк тушунчаси пайдо бўлади. Ва ана шу аснода у жамиятнинг фаол ва онгли аъзосига айланади. Иккинчи йўналиш эса, ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар натижаси ўлароқ фуқароларда жамиятни ривожлантириш, уни янада юксалтириш ташаббус ва ғояларини уйғотади. Қонун устуворлиги шаклланади. Ва унга нисбатан ҳурмат пайдо бўлади. Ҳар икки йўналиш ҳам охир оқибат асл мақсад — бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамияти деб аталадиган муҳташам ва улуғ «кошона»да туташади.

Фуқароларимиз қонун лойиҳаларини ўқир ва муносабат билдирар эканлар, уларнинг мулоҳазаларида аввал шахс, кейин эса жамият манфаатлари устувор эканлигини кузатиш мумкин. Зеро, жамият манфаатлари шахс манфаатларидан озиқ олади, шаклланади ва бирлашиб умуминсоний манфаатларни юзага келтиради. Мени сессия кун тартибига киритиш таклиф этилаётган қонун лойиҳалари ҳатто оддий деҳқонни ҳам қизиқтираётганлиги беҳад қувонтирди. Деҳқон энг муҳими, ўз ҳуқуқларини қонун асосида мустаҳкамлаш зарурлиги ва эртага ана шу ҳужжат доирасида ишлашини англаб етаётган кўринади. Ўрта чирчиқ тумани, Ўртасарой қишлоғида истиқомат қиладиган оддий фуқаро Ўктам Ҳайдаровни ҳеч ким таҳририятимизга мактуб йўллашга мажбур қилмаган бўлса керак. Мактуб саккиз қоғоз. Ҳаммаси таклиф ва мулоҳазалардан иборат. У кишининг мактубидаги бир жумла бизни беҳад ҳайратлантирди. Ўктам ака сессия кун тартибига киритилаётган қонун лойиҳалари ҳақида гапириб шундай ёзади: «Кимлардир мевали дарахтлар ўтказади, йиллар ўтиб кимлардир ундан баҳраманд бўлади. Дарахт ўтқазганлар, ўтқазаётганлар ўтмиш ва бугунимиз бўлса, баҳраманд бўлувчилар келажагимиздир». Бу оддий фуқаронинг кўнглидаги оддий гап, лекин пурмаъно, бугун ва келажагимизга доир ёруғ умид ҳамда улкан масъулиятта чақириқ, даъватдир. Таҳририятимизга қонун лойиҳалари юзасидан таклиф ва мулоҳаза жўнатган кишилар асосан мутахассис ва оддий фуқаролар эканлиги кўнгилга таскин беради. Улар турли туман, турли вилоятлардан. Имомали Назаров «Ўзбекистон» туманидан, «Умид» фермер хўжалиги раҳбари. Булоқбошилик Неъматуллоҳ Абдукаримов ҳам деҳқон (фермер) хўжалиги раҳбари. Навбаҳор туманидан Б. Собиров эса «Арабсарой» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси. Нишон туманидан келган мактубга бир йўла еттита деҳқон (фермер) хўжалиги раҳбари имзо чеккан. Ғузор туманидаги «Истиқлол» хўжалиги бошқаруви раиси Нурали Оролов ҳам ўз тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда жўяли таклифлар йўллаган. Йўлдошбой Панов Хоразмнинг Хива туманидан бўлса, Болтабой Мадаминов эса Хонқа туманида истиқомат қилади. Сурхондарё вилоятидан келган мактубларнинг айримларини бундан атиги икки кун олдин олдик. (Демак сайловчилар билан депутатлар мулоқоти мунтазам давом этган). Бахтиёр Бобомуродов (Денов), Азим Сувонов (Жарқўрғон), Хурсанд Мирзаев (Узун), Абдусалом Ғаниев ва Учқур Жўраевлар (Музробот) қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишга қаратилган қонун лойиҳалари юзасидан таклифлар жўнатганлар.

Таҳририятимизга Оила кодекси лойиҳаси юзасидан ҳам икки юзга яқин таклифлар тушди. Улар орасида Сирдарё вилояти суди судьяси Жалғаш Йўлдошев, Қашқадарё вилояти суди судьяси Холмамат Ҳасанов ва Хонқа тумани суди судьяси Б. Хўжаниёзовларнинг таклифлари, айниқса, таҳсинга сазовордир. Ундан ташқари фалсафа фанлари доктори, профессор Тошпўлат Тошлонов, Тошкент Молия институтидан Ҳ. Собиров, Сариосиё тумани ҳокими ўринбосари Мақсуда Бадалова, Гулистон ФХДЁ бўлими мудири Адолат Отабоева, Жарқўрғон тумани саломатлик маркази мудири Эргаш Хайдаров, Хатирчи тумани давлат нотариал идораси катта нотариуси Азамат Тошев, Қўшкўпир туманидан Полвонназар Рўзметовлар ҳам таклиф ва мулоҳазаларини йўллашган.

Таҳририятимизга жами мингга яқин таклиф ва мулоҳазалар келди. Афсуски, уларнинг ҳаммасини газетада чоп этишга имкон топилмади. Таҳририятимиз номидан газетамизга мактуб йўллаган барча кишиларга миннатдорчилик билдирамиз. Ана шу мактублардан воқиф бўлган киши сифатида шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, Олий Мажлис фаолиятида қарор топаётган қонун лойиҳаларини умумхалқ муҳокамасига тақдим этиш усули фуқароларни қонун лойиҳаларини тайёрлашдаги иштирокини янада фаоллаштиришга хизмат қилмоқда. Бу усул, биринчидан қонунларимизнинг ҳаётийлиги ва халқчиллигини таъминласа, иккинчидан фуқаролик жамияти қарор топишининг асосий омилларидан бири сифатида фуқароларни қонунларни тайёрлаш ва амалга оширишда онгли муносабатини шакллантирмоқда. Шу боис бўлса керак, мутахассислар бу усулни мамлакат парламенти — Олий Мажлиснинг фуқаролик жамиятини қуриш ва тезлаштириш жараёнидаги асосий тамойилларидан бири сифатида эътироф этмоқдалар.

**Исмат ХУДОЁРОВ,**
**газетанинг ижтимоий-сиёсий ҳаёт бўлими муҳаррири.**

## ОИЛА XXI АСР БЎСАҒАСИДА

**Оила кодекси лойиҳаси расмий ва норасмий муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини бандма-банд ўзида мустаҳкамлагани билан диққатга сазовордир. Лойиҳада оиладаги мураккаб муносабатлар ва уларнинг бузилиши оқибатида келиб чиқадиган ҳолатларга баҳо берилган ва ҳар бир жамият аъзосининг ҳуқуқ ва бурчлари ойдинлаштирилган.**

Шу ўринда бир донишманднинг қуйидаги сўзлари эсга тушади: «Уйланиш - ўз ҳуқуқларини икки маротаба камайтириш эвазига ўз бурчларини икки маротабага ошириш демакдир». Ҳақиқатдан ҳам, бир қарашда оилавий муносабатларнинг мураккаб, серқирра тизимида ҳар бир шахснинг оила ва жамият олдидаги масъулияти, ҳуқуқ ва бурчлари акс этади. Уларни билиш, моҳиятини теран англаш бўлғуси оила аъзосининг муқаддас бурчидир.

Шуни таъкидлаш лозимки, Оила кодекси лойиҳаси шу кунгача амал қилиб келган Оила ва никоҳ кодексидан қатор жиҳатлари билан фарқ қилади. Хусусан, унда юртимизда асрлар давомида сақланиб келинаётган миллий қадриятлар, анъаналар ҳисобга олинган бўлиб, улар оилавий муносабатларни мувофиқлаштиришнинг асосий тамойилларидан бири, деб эътироф этилган (4-, 8- моддалар).

Иккинчидан, оила ва никоҳ борасидаги муносабатларнинг асл моҳиятига инсонпарварлик, демократик ва тенг ҳуқуқлилик тамойиллари сингдирилган. Унда ўзбек оиласининг маънан баркамол авлодни тарбиялашдаги мавқеи ҳар қачонгидан юқори босқичга кўтарилган.

Мен шу каби асл инсоний тамойиллар асосида тайёрланган ҳужжатнинг барча бандларини шарҳлаш ниятидан йироқман, лекин ундаги асосий ғояни ҳар бир фуқаро тўғри баҳолаши лозим деб ҳисоблайман. Чунончи, уни диққат билан ўқиб ўрганган киши оила жамиятимиздаги яхлит ижтимоий институт яъни фуқаролар психологиясини шакллантиришда асосий тарбиячи бўлиб қолаётганлигининг гувоҳи бўлади. Айнан шу хусусият ҳужжатнинг барча бандларида эътироф этилган.

Оила кодекси лойиҳаси барчага — ҳар бир оилага бевосита алоқадорлиги билан диққатга сазовордир. Маълумки, ҳар бир ўзбек оиласида у пайдо бўлган кундан бошлаб, фарзандлар тарбияси ва камолотига аҳамият берилади. Шунинг учун тўйларимиз ҳам «Ўзларидан кўпайишсин», «Қўша қаришсин», «Ували-жували бўлишсин», «Фарзандларининг орзу ҳавасини кўришсин» каби эзгу ниятлар билан бошланади. Айнан шу тилаклардан келиб чиққан ҳолда Кодекс лойиҳасининг 73-75 моддаларида «Ота-оналарнинг болаларга таълим-тарбия беришга оид ҳуқуқ ва мажбуриятлари», «Болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ота-онанинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари», «Ота-оналик ҳуқуқини амалга ошириш» каби ота-оналик мажбуриятлари аниқ ёзиб қўйилган. Ота-онанинг болалари тарбияси ва маънавий камолати учун жавобгарлиги юқоридаги тилаклар ҳамда дуоларнинг асосли эканлигини қонун йўли билан мустаҳкамлайди. Демак, ҳар бир ота-она ўз фарзандларининг соғлиги, жисмоний, руҳий, маънавий ва ахлоқий камолати ҳақида ғамхўрлик қилиш шарт.



Лойиҳага киритилган 17-модданинг мазмунини кенг маънода тушуниш зарур. Унда никоҳланувчи шахслар тиббий кўрикдан ўтишлари, шунингдек, тиббий-ирсий ҳамда оилани режалаштириш масалалари бўйича маслаҳат шохобчалари хизматидан фойдаланишлари мақсадга мувофиқлиги таъкидланган.

Баъзилар бундай чораларга эътироз билдиришлари мумкин. Лекин унинг янги шаклланадиган оила ва унда тарбияланадиган болалар манфаати учун зарурлигини психолог олим сифатида таъкидлашни хоҳлардим. Халқимизда тан-сиҳатликка эътибор жуда юқори. Аслида ҳам бу тушунча анча кенг ва у ҳақиқатдан ҳам оилавий бахтнинг асосидир. «Никоҳга тайёргарлик», «Никоҳ ёши ва етуклик» тушунчалари борки, улар «соғлом ва баркамоллик», «етуклик» тушунчалари билан уйғунлашган.

Никоҳ ёши ва ёшларнинг оилавий ҳаётга тайёрлиги ҳақида гап кетганда, етукликнинг бир қанча сифатлари фарқланади. Масалан, «соғлом етуклик», «жисмоний етуклик», «иқтисодий етуклик», «маънавий етуклик», «ижтимоий - психологик етуклик» ёки соф маънодаги «психологик етуклик». Менимча ўзбек оиласида ёшларнинг оилавий ҳаётга тайёрлиги масаласи ҳал этилаётганда, бу нарсага бир ёқлама ёндашиш ҳоллари кўп учрайди. Масалан, йигитлар етуклиги фақат жисмоний ва иқтисодий етуклигига, яъни жисмонан соғломлиги, бирор касб-ҳунарнинг бошини ушлаганига қараб баҳоланади. Қизларнинг эса характери шаклланиб, бироз мустақил ҳаракат бошлагани заҳоти оналари шошиб қолишади. Лекин рўзғор юритиш, мустақил тарзда «бировнинг эшигида» янгича муҳитда яшаш учун булар етарли эмаслигига кейинчалик тушуниб етишади.

Демак, оилада фарзандларнинг соғ-саломат туғилиши, камолга етиши учун ҳам отанинг, ҳам онанинг саломатлиги ва жисмоний етуклигидан ташқари, уларнинг фарзандлари тарбияси ва баркамоллиги учун мустақил, шахсий муносабатлари мавжудлиги, ўз имкониятлари, режалаштириш қобилиятининг борлиги (яъни, келажакни холис, аниқ баҳолай олиш қобилияти), оналик ва оталик ролларига психологик тайёрлиги каби ижтимоий психологик етуклик ҳам зарур. Бундан ташқари ўз феъл-атворини бошқара олиш, ирода ва сабру-қаноатни тарбиялаш каби психологик етуклик ҳам жуда катта аҳамиятга эга. Юқорида эслатиб ўтилган модданинг амалий жиҳати айнан шунга етуклик даражасини англаш, керак бўлса, уларга йўл-йўриқ кўрсатишга қаратилгандир. Чунки ўзбек оилалари, хусусан шаҳарлардаги оилаларда кўпчилик ўғил уйлантирган ота-оналар ҳали ижтимоий фаолиятдан бўшамаган бўладилар. Демакки, улар ҳали набираларини тарбиялашда фарзандларига фаол ёрдам беролмайдилар. Фарзандлари тарбияси учун ёшларнинг ўзи бевосита масъулдирлар.

Демак, оилаларнинг мустаҳкам бўлиши ва ёшларнинг бахт-саодати учун аввало ёшларнинг ўзлари оилавий муносабатларга психологик тайёр бўлишлари керак. Ва бу иш мақсадли керак бўлса, аниқ, режалаштирилган тарзда турли ўқув муассасалари ва маслаҳат нуқталари орқали амалга оширилиши зарур. Оиланинг ҳар бир аъзоси ўз ҳуқуқ ва бурчларини, масъулиятларини теран англашлари ва кейингина оилани режалаштиришга ўрганишлари шарт. Йигит ҳам, қиз ҳам касб-ҳунарнинг эгаси бўлиши керак. Зеро, бозор муносабатлари бирорта оилани четлаб ўтмайди. Агар оила ўзининг иқтисодий-моддий функциясини бажармас экан, демак, унда турли муаммо ва зиддиятлар бўлиши муқаррар. Бизнингча «Оила» илмий-амалий маркази қошида ташкил қилинадиган махсус ўқув-тарбиявий курслар маълум маънода ана шу йўналишда ёшларга хизмат кўрсатади.

Оилада аёл мавқеи ўзига хосдир. Замонавий оила аёл, яъни она зиммасига ҳар қачонгидан кўпроқ масъулият юклайди. Ўқимаган, «содда» оналар бола тарбиясида анча қийинчиликларга учраши турган гап. Шунинг учун ҳам «қизлар ўқиши шарт эмас» дегувчиларга эътироз билдириб, демоқчимизки, оилавий бурч онанинг саводли бўлишини талаб этади. У тарбия кўрган шахс бўлиши ва бирор касб-ҳунарнинг соҳиби, ҳеч бўлмаганда, ўзидаги ҳунар ёки унга эътиқодни ўз фарзандлари онгига етказаоладиган оқила аёл бўлиши керак. Шундагина асосий тарбиявий таъсир ўтказувчи она ёш мурғак қалбларда илм, ҳунар ва ҳалолликка меҳр уйғотиши мумкин. Шундан келиб чиққан ҳолда, XXI аср аёлини ақлли, фаҳм-фаросатли, ўзида инсонийлик фазилатларини мужассам этган, она юрти учун, фидоий инсон, оилани қадрлайдиган шахс сифатида тасаввур қиламиз.

Ҳуқуқий демократик жамиятда аёлнинг ҳуқуқий саводхонлиги ҳам катта аҳамиятга эга. У ўз фарзандларида ҳуқуқий маданиятни шакллантирувчи шахс, фидоийлик сифатларини бола онгига сингдирувчи биринчи муаллимдир. Шунинг учун ҳам ўқув муассасаларида қизлар тарбиясига ва умуман ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш ишига алоҳида эътибор бериш зарур. Бунинг ҳуқуқий асоси — қабул қилинажак янги Оила кодексида баён этилган қонуний бурчларни ҳар бир фуқаро онгига сингдирмоқ ҳаёт тақозосидир.

**Васила КАРИМОВА,**
**психология фанлари доктори.**

## МУЛКИЙ МУНОСАБАТЛАРДАГИ МУҲИМ ОМИЛ

**Маълумки, Олий Мажлиснинг XI сессияси кун тартибига «Гаров тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳам янги таҳрирда киритилган.**

**Олий Мажлис Иқтисодий ислоҳотлар ва тадбиркорликни ривожлантириш қўмитаси котиби Турсунбой ФАЙЗУЛЛАЕВ ушбу қонун лойиҳасининг моҳияти, унга киритилган қўшимчалар, лойиҳанинг аҳамияти ҳақида мухбиримизга қуйидагиларни гапириб берди.**

— Гаров азал-азалдан кишилар ўртасидаги мулкий муносабатларда катта аҳамият касб этиб келган. Жамиятимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида, яъни иқтисодий ислоҳотлар жараёнида ҳам гаровнинг аҳамияти сезиларли даражада ортиб бораяпти. Зеро, гаров усули амалиётда ҳуқуқ субъектлари ўртасида вужудга келган мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усуллари (кафолат, кафиллик, қарздорнинг мол-мулкини ушлаб қолиш) сифатида энг кўп қўлланилади.

Маълумки, 1992 йилнинг декабрь ойида «Гаров тўғрисида»ги Қонун қабул қилинган эди. Янги Фуқаролик кодекси кучга кирганидан сўнг (1997 йил, 1 март) мазкур Қонуннинг айрим моддалари давр талаби — янги иқтисодий муносабатларга жавоб бермай қўйди. Ва бу ҳол «Гаров тўғрисида»ги қонун лойиҳасини янги таҳрирда тайёрлашни асосий вазифа қилиб қўйди.

Қонун лойиҳаси амалдагисига нисбатан анча ихчамлаштирилди. Масалан, аввалги қонуннинг 13 та моддасида қайд этилган гаровга қўйувчи ва олувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари янги таҳрирда атиги 4 та моддада мужассамлаштирилди. Шунингдек, унда Фуқаролик кодекси қоидаларидан келиб чиқадиган бир қатор янги меъёрлар ҳам қайд этилди. Гаров турлари (4-модда), гаров нарсасини алмаштириш ва тиклаш (13-модда), гаров тўғрисидаги шартнома бўйича ҳуқуқлардан бошқа шахс фойдасига воз кечиш (17-модда), гаров билан таъминланган мажбурият бўйича қарзни бошқа шахсга ўтказишга (18-модда) оид моддалар ана шулар жумласидандир..

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, амалдаги қонунда кўчмас мулк ва унга бўлган ҳуқуқларни гаровга қўйиш шартномалари, шунингдек, муомаладаги молларни гаровга қўйиш рўйхатдан ўтказилиши шартлиги назарда тутилганди. Фуқаролик кодексида эса фақат ипотека шартномаси ва унга тегишли мол-мулк ҳақида тузиладиган битимларни белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиш лозимлиги кўрсатилган. Шу боис амалдаги қонунда кўрсатилган 5-боб меъёрлари янги таҳрирдаги қонун лойиҳасига киритилмади.

Лойиҳанинг яна бир диққатга сазовор жиҳати ҳақида тўхталмоқчиман. Маълумки, фуқаролик жамияти қуришда инсон ҳуқуқи ва манфаатларини ҳимоя қилиш конституцион тамойиллардан бири ҳисобланади. Айниқса, «Оила йили» деб эълон қилинган жорий йилда унинг аҳамияти бениҳоя каттадир. Чунки жамият тараққиёти аввало унинг дастлабки бўғини бўлмиш оиланинг иқтисодини яратишда иштирок этувчи ҳар бир оила аъзосининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга боғлиқдир. «Гаров тўғрисида»ги қонун лойиҳасида фуқаролик муносабатларининг субъектлари бўлмиш жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш 19, 21, 47 ва 48 - моддаларда ўз аксини топгани фикримиз далилидир. Бинобарин, ҳар бир фуқаро ҳуқуқини ҳимоя қилиш оила ҳуқуқини ҳимоя қилиш демакдир.

Қонун лойиҳаси Олий Мажлис қўмиталари, Вазирлар Маҳкамаси, Адлия вазирлиги, Марказий банк, Олий хўжалик суди мутахассислари ҳамкорлигида тайёрланди. Уни тайёрлаш жараёнида депутатлар, мутахассислар, жамоат ташкилотлари томонидан таклиф ва мулоҳазалар билдирилди, Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Давлат мулк қўмитаси мутахассисларининг фикрлари ҳам инобатга олинди. Агар «Гаров тўғрисида»ги қонун лойиҳаси сессияда маъқулланса, унинг мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлашга хизмат қилиши шубҳасиздир.

**«Халқ сўзи» мухбири Ойбек РАҲИМОВ ёзиб олди.**

**СУРАТЛАРДА:** депутатлар рўйхатга олиш залида. Тўлқин КАРИМОВ олган суратлар.





## ЕР СИЁСАТИДА ЯНГИ ЙЎНАЛИШ

**Мутахассислар «Давлат ер кадастри тўғрисида»ги қонун лойиҳасига ана шундай баҳо беришмоқда**

Ер инсоният тарихининг барча босқичларида давлатнинг асосий бойликларидан бири ҳисобланганлиги ҳеч кимга сир бўлмаса керак. Шу боис ер майдонлари билан боғлиқ ер черагаларини белгилаш, ўлчамларини аниқлаш, фуқаро ва ташкилотларнинг ер майдонларига оид ҳуқуқларини рўйхатга олиш, ерлардан тўғри фойдаланишни назорат қилиш каби тадбирлар қадим замонлардан буён юритиб келинади.

Мовароуннаҳрда ер рўйхати ва ҳисоби каби ишлар Европа мамлакатларида амал қилган даврдан 300 йил илгари ҳам олиб борилганлиги ҳақида маълумотлар бор. Ўшанда ерга оид маълумотлар «Темир дафтар» деб номланган ҳужжатда ўз аксини топган.

«Ер тўғрисида»ги Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари мамлакатимизда аграр муносабатларни янги тизимга ўтиш асосларини белгилаб берди. Ер билан боғлиқ ислоҳотлар натижаси ўлароқ, бу борада таркибий ўзгартишлар юз бераяпти. Лекин яратилаётган шароитларга қарамасдан ишлаб чиқариш муносабатларининг янги тизимига ўтиш жараёнида бир қадар сусткашликка йўл қўйилмоқда. Бунинг сабабларидан бири ерларнинг қишлоқ хўжалик, шаҳар ва бошқа тоифаларини ҳақиқий баҳолашнинг, елардан фойдаланиш, қайта тиклаш, муҳофаза қилиш ва ҳосилдорлигини ошириш ягона сиёсатининг шаклланмаганлигидир.

Бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан табиийки ер майдонларига оид ҳуқуқларни давлат рўйхатига олиш, ер солиғини тўғри ҳисоблаш, ернинг меъёрий нархини аниқлаш, ер билан боғлиқ инвестиция фаолияти ва гаров муносабатлари катта аҳамиятга эга бўла бошлайди. Бу муаммоларни эса амалдаги ер кадастрига оид ҳужжат билан ҳал қилиб бўлмайди. Чунки собиқ ер кадастри эскирди. Ва у ер ҳақидаги бугунги талабларга жавоб берувчи зарур маълумотларга эга бўлиш имкониятини бермаяпти. «Давлат ер кадастри тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ана шундай зарурат ва эҳтиёжнинг маҳсули, деб аташ мумкин.

«Давлат ер кадастри тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ерларнинг табиий, хўжалик-ҳуқуқий тартиби, тоифалари, сифат тавсифи ва баҳоси, ер майдонларининг жойлашган ўрни ва ўлчамлари, ер эгалари ва фойдаланувчилар ўртасидаги тақсимот тўғрисида зарур ва ишончли маълумот ҳамда ҳужжатлар тизимини тартибга солади.

Давлат ер кадастрини юритиш топограф-геодезик, картографик, тупроққа доир, агрохимик, геоботаник ва бошқа текшириш-изланиш ишларини олиб бориш, ерларни ҳисобга олиш, баҳолаш, юридик ва жисмоний шахсларнинг ер майдонларига оид ҳуқуқларини рўйхатга олиш билан таъминланади. Шунингдек, у ер майдонларини баҳо (нархи) ҳамда бошқа давлат кадастрларига тегишли объектларнинг ҳуқуқий ҳолати ва жойлашган ўрнини белгилашда асос бўлиб хизмат қилади.

Давлат ер кадастрининг таркиби ер майдонларига оид ҳуқуқларни давлат рўйхатига олиш, ерларнинг миқдор ва сифатини ҳисоблаш, ер бонитировкаси, ерларни қиймат ва иқтисодий жиҳатдан баҳолаш, ер кадастрига оид маълумотларини тартибга солиш, сақлаш, янгилаб туриш ҳамда уларни манфаатдор шахсларга тегишли шакл ва ҳажмларда беришдан иборат.

«Давлат ер кадастри тўғрисида»ги қонун лойиҳаси мамлакатимизда биринчи бор ишлаб чиқилмоқда. Унда аҳоли турар жойлари ва ер тоифалари бўйича давлат ер кадастрини юритиш тартиби белгиланди. Ер маълумотлари тизими тушунчаси киритилди.

Янги кадастр тизимининг қадимги, шунингдек совет тузуми давридаги кадастрдан кескин фарқ қилувчи қирраларидан бири шундаки, унинг таркибига тупроқ бонитировкаси ҳамда ерларни баҳолаш-нархлаш ишлари ҳам киритилган.

Тупроқ бонитировкаси — ер майдонининг табиий ишлаб чиқариш имкониятлари белгиланадиган қиёсий баҳоси бўлиб, у ер эгаси ёки ундан фойдаланувчи учун келгусидаги ишларни режалаштиришда фойдали маълумот сифатида хизмат қилади. Бундан ташқари тупроқ бонитировкасидан ер майдонини баҳо(нарх)лашда бошланғич маълумот сифатида фойдаланилади.

Ер майдонининг баҳоси тупроқ бонитировкасиникидан фарқ қилади. Ернинг нархи белгиланаётганда, биринчидан, унинг ишлаб чиқариш воситаси сифатидаги баҳоси эътиборга олинади. Бундан ташқари ундаги даромад ундириш билан бевосита боғлиқ бўлган бино ва иншоотлар, коммуникацияси, туристик, яъни дам олиш имконияти ва ҳоказолар назарда тутилган ҳолда белгиланади. Масалан, Чирчиқ дарёси бўйидаги тошлоқ ер майдонини олиб кўрайлик. Унинг бонитировкаси жуда пастлиги аён. Агар ўша ерда ҳаваскор балиқчилар базалари, қисқа муддатли дам олиш мажмуалари ташкил қилинса ва шу орқали даромад ундириш имкониятлари пайдо бўлса, унинг нархи (баҳоси) анча юқори бўлиши шубҳасиздир. Ер майдонининг нархи (баҳоси) ундан фойдаланишнинг самарадорлик даражасини аниқлаш, тўлов миқдори, меъёрий нархи, ер билан боғлиқ жарима миқдорини ҳисоблаш ҳамда танлов асосида реализация қилиш ҳолларида унинг бошланғич нархини белгилаш вазифасини ўтайди.

Лойиҳада ер кадастрига доир маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш ҳамда унинг фаолияти самарадорлигини замон талабларига мослаштириш учун замонавий технологиялар билан таъминлаш ҳам назарда тутилган.

**Пўлат ШАРОПОВ,**
**Олий Мажлис Аграр, сув хўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмитаси котиби.**
**Абдували АБДУАЗИЗОВ,**
**«Ўзгеодезкадастр» бошқармаси бошлиғи, геология фанлари номзоди.**

## АЛ-ФАРҒОНИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 1200 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

# УМУМБАШАР ОЛИМИ



**Буюк ўзбек олими Аҳмад ал-Фарғонийнинг 1200 йиллик юбилейини ўтказиш тўғрисида ЮНЕСКО қабул қилган қарор машҳур Нил соҳилларида жойлашган Миср давлати, унинг жамоатчилиги, олиму фозиллари томонидан зўр мамнуният билан кутиб олинди, зеро олим ҳаётининг сўнгги йилларини шу ўлкада ўтказган ва самарали ижод қилган эди.**

Гўзал Фарғона водийсида таваллуд топган, илм-маърифат йўлида жаҳон кезган ва ўзининг беназир илмий асарлари билан IX асрдаёқ халқининг маънавий қудрати ва имкониятини жумлаи жаҳонга маълум ва машҳур этиб, номини тарих саҳифаларига зарҳал ҳарфлар билан битган ва умумбашар олимига айланган Аҳмад ал-Фарғоний номини нафақат мисрликлар, балки бошқа араб мамлакатлари халқлари ҳам фахр билан тилга оладилар. Ана шу муносабат билан Миср олимлари ҳам Аҳмад ал-Фарғонийнинг бой илмий меросига яна бир бор назар ташлаб, алломага бағишлаб қатор тадбирлар ўтказишни режалаштирмоқдалар.

Мисрдаги Қоҳира, Ал-Азҳар, Айн-Шамс, Искандария университетлари олимлари жорий йилнинг октябрь ойида Ўзбекистонда бўлажак «Аҳмад ал-Фарғоний илмий меросининг жаҳон фани тараққиётида тутган ўрни» мавзуидаги халқаро илмий конференцияда фаол иштирок этиш мақсадида алломанинг асарлари бўйича янги маълумотлар тўпламоқдалар.

Қоҳира университети Шарқшунослик илмий-тадқиқот марказининг мудири, профессор Муҳаммад Халифа Ҳасан XII асрда Европада «Алфраганус» номи билан маълум бўлган Аҳмад ал-Фарғонийнинг астрономия бўйича рисолалари бошқа қўлланмалар билан бир қаторда яқин-яқинларгача дунёнинг кўплаб илм даргоҳларида асосий дарслик сифатида қўлланиб келинганини айтади. М. Ҳасаннинг таъкидлашича, араб ўлкаларида ал-Фарғонийни биринчи араб математик олими («Ҳосиб») ва биринчи араб астрономи («Мунажжим аввал араби») деб атайдилар.

Ал-Фарғоний ёшлигидан илмга чанқоқлиги, тиришқоқлиги билан тенгдошларидан ажралиб турарди. У араб, форс, ҳинд, юнон, санскрит тилларини шу даражада мукаммал ўзлаштириб олган эдики, қадимий фанларга тааллуқли асарларни чуқур ўрганиб, шу хорижий тилларга таржима қилади. Ал-Фарғоний астрономия фанининг унга қадар эришган ютуқларига таянган ҳолда, араб халифалиги ҳудудидаги Ироқ ва Суриянинг марказий шаҳарлари — Бағдод ва Дамашқда жойлашган Шаммасия тепалиги ва Қосиюн тоғида ҳозиргача сақланиб қолган икки муҳташам расадхонани қуриб, ишга туширишда жонбозлик кўрсатади. Мазкур расадхоналарда яна бир мукаммалроқ Ер харитаси тузилади. Кейинчалик Христофор Колумбнинг кутубхонасидан топилган асарлар, топография чизмалари ва қўлёзмалар машҳур сайёҳ-олимга Американи кашф қилишида бошқа манбалар қаторида Ал-Фарғонийнинг изланишларидан фойдаланган бўлиши эҳтимолдан холи эмас, деб хулоса беради араб олими.

Профессор М. Ҳасан мўътабар кутубхоналари қатори Қоҳира кутубхоналарида сақланаётган «Китоб ул-ҳаракат ас-самовия ва жавомиъ илм ан-нужум» (самовий ҳаракат ва юлдузлар илми мажмуаси китоби) ҳақида сўзлаб, мазкур асар туфайли оддий мунажжимлик ҳунари илм даражасига кўтарилиб, ҳозирги замон астрономиясининг вужудга келишига сабаб бўлганига эътиборни жалб қилди.

Олим илмий изланишлари натижасида ал-Фарғонийнинг мазкур асари Яқуб Анатоли томонидан араб тилидан қадимий яҳудийлар тили — иброний тилига таржима қилингани ва бу таржима нусхалари Берлин, Мюнхен, Вена ва Оксфорд кутубхоналарида мавжуд эканлигини аниқлагани ҳақида хабар беради. Олим иброний тили араб олами билан Европа мамлакатлари ўртасида тил воситаси сифатида хизмат қилганини, асарлар аввал иброний тилига, сўнгра ғарб тилларига ўгирилганини билдиради.

Айн-Шамс университети филология факультети профессори Аҳмад Саид ал-Ҳоли Миср Араб Республикасининг Араб қўлёзмалари институти китоб хазиналарида ал-Фарғонийнинг «Китоб ул-ҳаракат ассамовия ва жавомиъ илм ан-нужум» китоби билан бир қаторда «Рисола фи маърифат ил-авқот аллати якун алқамару фиҳа фавқ ал-арзи ав тахтиха» (Ой Ер устида ёки унинг остида бўлган пайтдаги вақтларни ўрганиш ҳақида рисола), «Китоб комил фил-устурлоб» (Астрология ҳақида мукаммал китоб), «Китоб фи санъат ил-устурлоб» асарларини ҳам топилганлиги ҳақида қувонч билан хабар беради.

Буюк ватандошимизнинг ҳаёти ва илмий фаолияти билан боғлиқ тарихий ва илмий маълумотларни аниқлаш ва ўрганиш мақсадида Ўзбекистоннинг Қоҳирадаги элчихонаси ходимлари Мисрнинг етакчи университетлари, илмий-тадқиқот институтлари, кутубхоналари, Миср Араб Республикаси Тарихий обидаларни муҳофаза қилиш бўйича Олий марказ мутахассислари билан биргаликда аллома номи билан боғлиқ манбаларни ўрганмоқдалар.

Миср Араб Республикаси Археология тадқиқотлари марказининг Бош директори доктор Кавсар Абдул Футуҳ хоним ҳозирги Қоҳиранинг ал-Маньял районидаги Ар-Рода маҳалласида жойлашган «Миқёсун Нил» ҳақида сўзлаб, бу тарихий иншоотнинг Миср иқтисодий тараққиётидаги беқиёс ҳиссасини алоҳида таъкидлади. Қомусий олим Аҳмад ал-Фарғоний аббосийлар халифаси Абул Фадл Жаъфар Ал-Мутаваккил таклифига биноан 861 йилда Мисрнинг қадимий пойтахти — Фустот шаҳрига келиб, Нил дарёси қирғоғида мармар ва гранитдан тикланган маҳобатли иншоот — Сув ўлчовини барпо этади. Миср ҳокимлари асбоб ёрдамида қишлоқ хўжалиги йилининг маҳсулдор бўлиш ёки бўлмаслигини аниқлаганлар ва шунга кўра, адолат асосида мулкдорлар ва деҳқонлардан ер солиғини олиш ёки олмаслик масалаларини ҳал қилганлар.

Асримизнинг 60 — 70-йилларигача то Нил дарёсида машҳур Асвон тўғони қурилиб, сув тошқинларига барҳам берилиб, дарё жиловлангунга қадар Миқёсун Нил мисрликлар иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида муҳим ўрин тутиб келган. Ҳозирги кунда Миқёсун Нил мисрликлар ва хорижлик саёҳатчиларнинг зиёратгоҳига айланган ва Мисрдаги Тарихий обидаларни муҳофаза қилиш бўйича марказ томонидан давлат аҳамиятига молик жой сифатида муҳофаза этилади.

Жаҳон илм-маърифати ва маданиятига буюк ҳисса қўшган аллома Аҳмад ал-Фарғонийнинг илмий меросига Мисрда қизиқиш катта. Бундан минг йиллар аввал Мовароуннаҳр ва Нил соҳилидаги ўлкаларни илм ва маърифат соҳасидаги буюк саъйи ҳаракатлари туфайли боғлаган буюк аллома тўйи Ўзбекистон ва Миср ўртасида тобора ривожланиб бораётган самарали ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади, деб умид қиламиз.

**Раҳимжон ҚОДИРОВ,**
**«Жаҳон» АА мухбири.**
Қоҳира.




*Одинахон Устабоеванинг ғайрати билан Ёзёвонда зардўзликка эътибор кучайди. Туманда, аниқроғи, «Ойдин» зардўзлик кичик корхонасида 100 га яқин маҳаллий ёшлар бу касбга меҳр қўйиб қолишди.*

*Одинахон дастлаб Бухорога йўл олди. Уста зардўзлар билан суҳбатлашди, ишини синчиклаб ўрганди. Ҳатто бухоролик зардўзчи Гулчеҳра Умарованн Ёзёвонга олиб келди, кичик корхона ташкил этди.*

*Бугунги кунда ёзёвонлик зардўзлар тикаётган кийимбошлар тобора харидоргир бўлиб бормоқда.*

***СУРАТДА:** корхона бошлиғи Одинахон Устабоева зардўз Садбархон Усмонова билан.*

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ**
**олган сурат.**

## МАЪНАВИЯТ БЎСТОНИ

Тошкент фармацевтика институтида "Маънавият бўстони" мажмуи ташкил этилди. Талаба ёшлар бу ерда маънавиятимиз сарчашмалари билан танишади, алломалар, буюк бобокалонларимизнинг ҳикматли сўзларидан баҳраманд бўлади. Мажмуада мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг юксак маънавият ва маърифатни шакллантириш ҳақидаги сўзларига алоҳида ўрин берилган.

Ўқув масканида маънавият мажмуи очилишига бағишлаб илмий-амалий тадбир бўлди. Унда таниқли олимлар, шоир ва адиблар, маданият ва санъат арбоблари иштирок этди. "Ҳикмат — ибрат" мавзуида ўтказилган давра суҳбати йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди.

**(ЎзА)**

## ОБ-ҲАВО

Гидрометеорология Бош бошқармасининг хабар қилишича, 30 апрелдан 2 майгача республикамизнинг кўп ҳудудларида, 3 май куни эса Фарғона водийсида ва республикамизнинг тоғли туманларида жала қуйиши кутилади. Тошкент, Навоий, Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё, Наманган, Фарғона ва Андижон вилоятларининг тоғ ён бағриларида сел келиш хавфи бор.

30 апрелда республикамизнинг барча ҳудудларида ҳаво ўзгариб туради, Фарғона водийси вилоятларидан ташқари, қисқа муддат ёмғир ёғиб, момақалдироқ бўлади. Момақалдироқ вақтида шамолнинг тезлиги секундига 15-20 метрга етади.

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятларида кечаси 9-14, кундузи 19-24 даража иссиқ бўлади. Бухоро ва Навоий вилоятларида кечаси 11-16, кундузи 21-26 даража иссиқ бўлади. Самарқанд, Жиззах, Сирдарё ва Тошкент вилоятларида кечаси 11-16, кундузи 23-28 даража иссиқ бўлади. Пойтахт вилоятининг тоғли туманларида кечаси 5-10, кундузи 11-16 даража иссиқ бўлади. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида кечаси 13-18, кундузи 25-30 даража иссиқ бўлади. Фарғона водийсидаги вилоятларда кечаси 10-15, кундузи 23-28 даража иссиқ бўлади.

Тошкентда кечаси 11-13, кундузи 25-27 даража иссиқ бўлади.

**(ЎзА)**

## ИККИ ЮЗ ЙИЛЛИК ОРАТОРИЙ

**Кўрганлар, эшитганлар бу мусиқий асарнинг сеҳр кучига тан бердилар. Дарвоқе, ўтган ҳафта Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида Конрад Аденауэр номидаги жамғарманинг минтақавий ваколатхонаси фонди ҳамда журналистларни қайта тайёрлаш Халқаро жамоатчилик маркази ташаббуси билан немис халқининг буюк ижодкори Ёзиф Гайдин (1732-1809)нинг «Дунёнинг яратилиши» асари ижро этилди.**

**Бу концертга машҳур дирижёр, қолаверса, ўзбекистонлик мухлисларга яхши таниш бўлган Тимм Шашел жаноблари дирижёрлик қилди. Б. Шёллер, Ю. Жданов ва В. Зюськинлар иштирокида ижро этилган бу асарга Ўзбекистон миллий симфоник оркестри ҳамда Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваторияси талабалари жўр бўлдилар.**

**Энг қувончлиси, яратилганига 200 йил тўлган бу ораторий илк бор Ўзбекистонда томошабинлар ҳукмига ҳавола этилди ва жуда юксак даражада баҳоланди.**

**Ж. КАРВОН.**


УН, ШАКАР, ЦЕМЕНТ ВА БОШҚА МАҲСУЛОТЛАР УЧУН

Янги универсал

**ПОЛИПРОПИЛЕН ҚОПЛАР**

сотилади.

√ Туркиядаги ишлаб чиқарувчи фабрикалардан тўғридан-тўғри келтирилган.
√ Ички целлофан қопламали ҳамда қопламасиз.

DM FIRMA DEMIR

Манзил: 700083, Тошкент ш., Бухоро кўч., 26.
Тел.: 133-06-00, 133-81-48, 132-13-08, 56-12-98, 41-87-73 Факс: 40-65-37

518


Ихтисослаштирилган давлат-акционерлик тижорат "АСАКА" банкининг 1998 йил 1 январь ҳолати бўйича

## БАЛАНС ҲИСОБОТИ

Банкнинг рўйхат рақами № 53. 1996 йил 20 январь
Манзили: Тошкент ш., Нукус кўч., 67-уй, тел. 54-73-25, факс: 54-06-59

*минг АҚШ долларида*

| | |
|---|---|
| **АКТИВЛАР** | |
| 1. Нақд пуллар ва бошқа касса ҳужжатлари | 2352 |
| 2. ЎР МБ даги пул маблағлари | 11718 |
| 3. Бошқа банклардаги маблағлар | 48101 |
| 4. Қимматбаҳо қоғозлар | 63904 |
| 5. Банкларга берилган кредитлар, соф қолдиғи | 5127 |
| 6. Мижозларга берилган кредитлар, соф қолдиғи | 115113 |
| 7. Инвестициялар | 1167 |
| 8. Асосий воситалар | 30671 |
| 9. Бошқа активлар | 3806 |
| 10 *Жами активлар* | *281959* |
| **ПАССИВЛАР** | |
| **МАЖБУРИЯТЛАР** | |
| 1. Талаб қилиб олингунга қадар бўлган депозитлар | 52154 |
| 2. Муддатли депозитлар | 69122 |
| 3. Банкларнинг депозитлари | 66 |
| 4. Бошқа банклардан олинган кредитлар | 4992 |
| 5. Бошқа кредитлар | 2443 |
| 6. Бошқа пассивлар | 1097 |
| 7. **Жами мажбуриятлар** | **129874** |
| **КАПИТАЛ** | |
| 8. Акционерлик капитали | 150000 |
| 9. Йиллик фойда | 3803 |
| 10. Тақсимланмаган фойда | (1718) |
| 11. **Жами капитал** | **152085** |
| 12. *Жами пассивлар* | *281959* |

### КЎЗДА ТУТИЛМАГАН ВАЗИЯТЛАР МОДДАЛАРИ

| | |
|---|---|
| 1. Банк томонидан берилган кафолатлар | 5422 |
| 2. Бошқа кўзда тутилмаган вазиятлар ҳисоб рақами | 306056 |
| 3. **Жами кўзда тутилмаган вазиятлар моддалари** | **311478** |

Ўзбекистон Республикасининг сўмларида акс этган монетар активлар ва пассивлар ҳисобот кунидаги Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкининг расмий курси бўйича АҚШ долларига ўтказилди, расмий курс: 1 АҚШ доллари 80.17 сўмни ташкил этди.

Номонетар активлар (устав фонди, асосий воситалар) даврий алмашув курси бўйича долларга ўтказилди.

Ушбу баланс ҳисоботининг тўғрилиги аудиторлик фирмаси томонидан тасдиқланган.
- Фирма номи "KPMG Uzbekistan Limited"
- Лицензия рақами № 6 30.12.96.

Ихтисослаштирилган давлат-акционерлик тижорат "АСАКА" банкининг 1997 йилдаги

## ДАРОМАДЛАР ВА ЗАРАРЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТИ

Банкнинг рўйхат рақами № 53. 1996 йил 20 январь
Манзили: Тошкент ш., Нукус кўч., 67-уй, тел. 54-73-25, факс 54-06-59

*минг АҚШ долларида*

| | |
|---|---|
| 1. Фоизлардан олинган даромадлар | 19291 |
| 2. Фоизларга тўланган харажатлар | (4535) |
| 3. *Фоизлардан олинган соф даромад* | *14756* |
| 4. Эҳтимолий йўқотишларни баҳолаш - кредитлар ва авансляр | (11102) |
| 5. Ссудалар бўйича эҳтимолий йўқотишлар заҳирасига маблағ ажратилгандан кейинги соф даромад | 3654 |
| 6. Комиссион хизматлар ва бошқа йиғимлар бўйича соф даромад | 12290 |
| 7. Қимматли қоғозлар операциялари бўйича соф даромад | 3884 |
| 8. Курс фарқидан олинган соф зарар | (2188) |
| 9. Бошқа даромадлар | 607 |
| 10. *Фоизсиз даромадлар* | *14593* |
| 11. Ходимларга маошлар ва бошқа тўловлар | (3600) |
| 12. Бошқа операцион харажатлар | (9519) |
| 13. Жами операцион харажатлар | (13119) |
| 14. Солиқ тўлангунга қадар бўлган соф фойда | 5128 |
| 15. Даромад солиғи | (1325) |
| 16. *Йиллик соф фойда* | *3803* |

**Ушбу даромадлар ва зарарлар ҳақидаги ҳисоботнинг тўғрилиги аудитор фирмаси томонидан тасдиқланган.**
- Фирма номи "KPMG Uzbekistan Limited"
- Лицензия рақами № 6 30.12.96

Ихтисослаштирилган давлат-акционерлик Тижорат "АСАКА" банкининг 1998 йил 1 январь ҳолати бўйича

## АКЦИОНЕРЛИК КАПИТАЛИ ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТИ

Банкнинг рўйхат рақами № 53. 1996 йил 20 январь
Манзили: Тошкент ш., Нукус кўч., 67-уй, тел. 54-73-25, факс: 54-06-59

*минг АҚШ долларида*

| | Устав фонди | Тақсимланмаган фойда | Акционерлик капитали |
|---|---|---|---|
| 1997 йил 1 январь ҳолатига кўра Баланс | 150000 | (1718) | 148282 |
| 1997 йилда олинган соф фойда | | 3803 | 3803 |
| *1997 йил 31 декабрь ҳолатига кўра баланс* | *150000* | *2085* | *152085* |

**Ушбу акционерлик капитали тўғрисидаги ҳисобот аудитор фирмаси томонидан тасдиқланган**
- Фирма номи "KPMG Uzbekistan Limited"
- Лицензия рақами № 6 30.12.96.


"Корхоналар ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

1998 йил 25 апрелдан "Ўздавнефтмаҳсулот" ҳиссадорлик бирлашмасининг Фарғона нефть маҳсулотларини юклаш корхонаси тугатилади.

Барча даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой муддат ичида қабул қилинади.

615


Тошкент вилояти Тошкент туманидаги «Шоҳрух» хусусий кичик корхонасининг йўқолган бурчак штампи ва думалоқ муҳри бекор қилинади.

Ўзкимёфарм ОТАЖ раҳбарияти, жамоа аъзолари корхонанинг собиқ раҳбари
**Тобиш РАҲМАТУЛЛАЕВнинг**
вафоти муносабати билан унинг оиласига, қариндошларига чуқур таъзия изҳор этади.

Республика «Ўзбек ипаги» уюшмаси жамоаси уюшма маркетинг, бозор коньюктураси ва ташқи алоқалар бошқармаси бошлиғининг муовини Эркин Досовга волидаи муҳтарамаси
**Хадича ЙЎЛДОШЕВАнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети жамоаси иқтисод назарияси кафедрасининг мудири, доцент Ўткир Иногомовга онаси
**Мукамбархон ҚОСИМХЎЖА қизининг**
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Биринчи Тошкент давлат тиббиёт институти ректорлиги, клиника жамоат ташкилотлари ва институтнинг болалар касалликлари кафедрасининг жамоаси шу кафедра доценти Матлуба Алимовага онаси
**Маҳбуба ҒУЛОМОВАнинг**
вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

Тошкент вилоят адвокатлар ҳайъати раёсати вилоят адвокатлар ҳайъати аъзоси, Янгийўл шаҳар юридик маслаҳатхона адвокати Баршин Норматовага турмуш ўртоғи
**Сардор НОРМАТОВнинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.Я


«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

Бош муҳаррир
Аббосхон УСМОНОВ

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

БЎЛИМЛАР:
Парламент 133-57-34;
Ҳуқуқ ва қонунчилик 136-07-94;
Иқтисодиёт 136-36-65;
Қишлоқ хўжалиги 136-37-85
Маънавият 136-35-60, 132-10-65;
Хатлар 136-29-89, 133-07-48;
Фан, таълим, соғлиқни сақлаш, туризм 132-12-08;
Халқаро ҳаёт 132-11-15;
Котибият 133-10-28;
Эълонлар 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001
Буюртма Г — 011138, 42797 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А–2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Рустам АЗИМОВ ва Сергей ЛУКИН томонидан саҳифаланди.

© МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — М. Сафаров.
Навбатчи — Ғ. Шермуҳаммад.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.
Босишга топшириш вақти—21.00 *Босишга топширилди: 22.55* 1 2 3 4 5 6